

ИНГЛИЗ ТИЛИДА «TONGUE» КОНЦЕПТИГА ОИД
АФФАРИЗМЛАРНИНГ АНТИТЕЗА, ЎХШАТИШ ВА ИРОНИЯ
ХУСУСИЯТЛАРИ

Курбонова Шохида Алижон қизи

*Kokanf University Andijon filiali, Ижтимоий-гуманитар ва педагогика
фанлари катта ўқитувчиси*

Афоризмлар, мақоллар билан бир қаторда, халқ ҳикматининг бадий умумлашмаси бўлиб, халқ тафаккурининг турли томонларини ифодалайди. Афоризмлар мустақил жанр сифатида учрайди, лекин улар одатда афористик бўлмаган контекстга “киритилган” ҳам бўлиши мумкин [Сурков 1962: 366].

Афоризмларнинг асосий хусусиятлари, яъни фалсафий, дефинитивлиги, семантик тоифаларнинг умумлаштирилган характери, сўзнинг композицион қурилишида табиий равишда акс этади. Бундай микротекст, бошқа гномик бирликларга қараганда, буюк шахслар томонидан "хаётий тажриба маҳсули" деб ҳам аталади. Бунда муаллиф баёнотни субъектив дунёқарашдан воз кечиб, ўқувчининг шунчаки самимий фикрлашга тайёр формулани олиб келади:

Euch is the residue of design: Bi Rickey

Library is thought in cold storage: Lord Samueh

Бадий ва стилистик воситалар билан биргаликда афоризмларнинг композицион хусусиятлари, тилнинг гномик маънодаги сўзларини улар учун мажбурий хусусият — ноанъанавийлик билан таъминлайди.

Илмий изланиш жараёни биз инглиз тилидаги “*tongue*” концептига оид афоризмлар қуйидаги стилистик воситалар жуда кўп ишлатилиши гувоҳи бўлди.

Антитеза (Antithesis) -*Қиёсланувчи фикр, тушунча кабиларни қарама-қарши қўйишдан иборат услубий қўлланиш*[Азим Ҳожиёв. “Тилшунослик

терминларининг изоҳли луғати”Тошкент. «Ўзбекистон миллии энциклопедияси» 2022. 6.16].

1. *Talking should be an exercise of the brain not of the tongue* (Гануруши тилнинг эмас, балки миянинг машқлари бўлиши керак) (Anonymous)

2. *Queen. Hamlet, thou hast thy father much offended.*

Ham. Mother, you have my father much offended.

Queen. Come, come, you answer with an idle tongue (William Shakespeare).

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, “мия билан тилни ёки фикр билан тилни” бир-бирига қарама қарши қўяпти ва ушбу аффоризмларда антитеза ҳосил бўляпти.

ЎХШАТИШ(Comparisons) - тасвир объектини бошқа нарса-ҳодисага ўхшатиш орқали ёрқин ва бўрттириб тасвирлашга асосланган бадиий тасвир воситаси бўлиб, бунда ўхшатилаётган нарса-ҳодисалар учун умумий белги-хусусиятларга таянилади[Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. АдабиётшуносликлуғатиТошкент. «Академикнашр»2010. Б.375].

1. *“English is the most beautiful language, but not rhymed tongue”*(John Lennon). (*Инглиз тили чиройли тил бўлиши мумкин лекин қофияли тил эмас*)

2. *“Silence is foolish if we are wise, but wise if we are foolish”* (Colton).

Мисоллардан кўриниб турибдики, инглиз тили жуда чиройли ва бугунки куннинг оммабоп тили бўлсада, ушбу тилда шеър, ғазал каби арузлар ёзилса қофияларини тартибга солиш қийин кечади. Инглиз шоирларининг жуда кўп шеърий асарлари дунё асарларининг аруз қоидаларига номутоносиб холда инсонларга етиб келади.

Ирония;(юн. *eigoneia* - айнан, ўзини гўлликка солиш) ҳозирги замон тилишунослигида заҳарханда киноя, оғир кесатқи, пичинг деган маъноларда келади [Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати Тошкент. «Академикнашр»2010. Б.131].

1. *A woman's tongue is sharp enough to pierce the toughest flesh* [W. www.tadqiqotlar.uz

Wilson] (*Аёлнинг тили энг қаттиқ гўшти тешиш учун етарлича ўткир*).

2. *Woman's tongue is he weapon, her sword, which she never permits to rest or rust* [Suzanne Curchod] (*Аёлнинг тили у қурол, унинг қиличи, у ҳеч қачон дам олишга ёки занглашга рухсат бермайди*).

Берилган мисоллар суҳбат жараёнида тегишли суҳбатдошга киноя тарзини билдирувчи тушунчалар мажмуаси. Бундай аффоризмлар диологик тарзда бўлиб, иккинчи одамнинг айрим фикр-мулоҳазасига нисбатан қўлланилган ирония ходисасидир.

Бу аффоризмларнинг барчаси, асосан, тилнинг ижобий тамонларини, одоб-ахлоқ қоидаларига етаклайди ва унинг маънавий томонини ёритиб беришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Стернин И.А. Язык и национальное сознание // Логос. 2005. – Вып. 4. – С. 156–171.
2. Стернин И.А. Методика исследования структуры концепта // Методологические проблемы когнитивной лингвистики. – Воронеж: ВГУ, 2001. – С. 58–65.
3. Тарасова И.А. Идиостиль Георгия Иванова: когнитивный аспект. – Саратов, 2003. – 160 с.
4. Тарасов Е.Ф. Тенденции развития психолингвистики. – М.: Наука, 1987. – 280 с.
5. Телия В.Н. Типы языковых значений. Связанное значение слова в языке. – М.: Наука, 1981. – 269 с.